

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУРАЕВА ДИЛНОЗА ШАКИРЖОНОВНА

**МУАММОЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК
ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 - Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Джураева Дилноза Шакиржоновна

Муаммоли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини
ривожлантириш.....5

Джураева Дилноза Шакиржоновна

Развитие творческих способностей будущих учителей посредством
проблемного подхода.....22

Djuraeva Dilnoza Shakirjonovna

Developing the creative abilities of future teachers through a problem-based
approach.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУРАЕВА ДИЛНОЗА ШАКИРЖОНОВНА

**МУАММОЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ
ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 - Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.Ped1349** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.gubkin.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳакимова Муҳаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Содиқов Хамид Махмудович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация химояси Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "24" 03 соат "10⁰⁰" даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11 / факс: (99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (4539 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс : (99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2022 йил "14" 03 куни тарқатилди.
(2022 йил "14" 03 даги 72 - рақамли реестр баённомаси).



М.Э.Хайдаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д.,
профессор

Р.Г.Исянов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
п.ф.д., доцент

Н.А.Муслимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котибдаги илмий
семинар раиси, п.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг, илғор педагогик технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда, Жанубий Кореяда ўтказилган Халқаро таълим форумида 2030 йилгача қабул қилинган “Incheon declaration”да “Таълим сифатини баҳолаш жараёни ва воситаларини такомиллаштириш, эришилган натижаларни аниқлаш имконини берувчи механизмларни амалиётга жорий этиш” концепцияси асосида фан ва таълим ютуқларини ўқув материаллари мазмунига сингдириб бориш, фанларни ўқитиш сифатини оширишга оид тенденцияларни амалиётга татбиқ этиш, амалий-татбиқий ва табиий-илмий мазмундаги лойихаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида, фанга оид ностандарт масалаларни ечиш усулларини ўргатиш, фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, ижодий масалаларни эвристик йўллар билан ишлаш, фаолиятининг таниш усулларидан янги вазиятларда компетенцияларини қўллаш олишни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга муаммоли ёндашувлар асосида ижодий қобилиятни ривожлантириш, бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш моделларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш жараёнини зарур ахборотлар билан таъминлаш, ўзлаштиришнинг мақбул ечимларини топиш ва жорий қилишнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “Олий таълим билан камров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш”¹ устувор этиб вазифалар белгиланган. Натижада бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш педагогик, психологик имкониятлари янада кенгаяди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" Фармони // <https://lex.uz/docs/4545884>

таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш масалалари Б.Р.Адизов, Б.Абдуллаева, А.С.Акрамова, Г.Боймуродова, М.Э.Жумаев, Ш.Йўлдошева, Р.А.Мавлонова, Ш.Р.Райҳонов, М.И.Тошпулатова, С.Усмонов, А.Эшмуратов, К.Қосимова, Х.Ғуломова, А.Ғ.Ҳайитов, А.Ҳамроқулов ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган. Таълимда муаммоли ёндашув муаммолари педагог олимлардан Д.М.Махмудова, М.Ҳ.Махмудов, У.Ж.Содиқов, М.Н.Усмонова, О.Хамидова, Н.Юсупов ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган.

Масалаларни ечишда фикрлаш давлари ва фикрлаш давридаги фаолиятини бошқариш имкониятларини З.И.Калмикова, Ю.Н.Кулюткин, Н.А.Меньчинская, А.Ф.Эсауловларнинг тадқиқотларида атрофлича кўриб чиқилган. Масала ечимини топишда қўлланиладиган усуллар умумлаштирилган ҳолда тақдим этишни Г.Д.Балк, М.Б.Балк, Ю.М.Колягин, В.И.Крупич, Д.Пойалар, таълим олувчиларни ностандарт масалаларни ечишга ўргатишни И.П.Бусланева, С.А.Зайцева, Т.Н.Миракова, Т.В.Пивоварук, И.Б.Румянцева, С.И.Сельдюкова, Л.В.Селькина, И.И.Целишевлар томонидан қатор методик изланишлар амалга оширилган.

Европа мамлакатларида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг турли жиҳатларини Christopher Brumfit, Claudio Zaki Dip, Susanne Prediger, Н. Colleen Marchant ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий тадқиқот режасининг ПЗ-20170923121 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади муаммоли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришни мазмунинининг педагогик психологик имкониятларини таҳлил этиш;

бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг даврий ва узлуксиз дидактик тайёргарлигини такомиллаштириш;

бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида муаммоли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш жараёни белгиланиб, педагогик тажриба-синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Термиз давлат университети ва Жиззах давлат педагогика институтлари 558 нафар талабалари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини муаммоли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, сўровнома, тест, тажриба-синов, педагогик мониторинг, социометрик методлар (сўровнома, суҳбат), математик-статистик (методлар)дан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш мазмуни коммуникатив ностандарт топшириқларнинг дидактик функцияларини ўзаро диалектик қонуниятларига интеграциясини аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш модели фанлараро, тузилмавий-функционал, эмоционал-интегратив касбий тайёргарлик даражалари, самарали фикрлаш, тасаввур, мотивация, интеллектуал ҳис-туйғулар узвийлигини диагностик аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш технологияси коммуникатив-жараёнли, натижавий-мантикийли ва педагогик мазмунга дидактик тавсиялар типологиясини рефлексив дифференциаллаштириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилияти педагогик фаолияти давомида даврий ва узлуксиз дидактик тайёргарлигини таълим мазмунининг шакли ҳамда узлуксизлигига босқичма-босқич уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш технологияси такомиллаштирилган;

тадқиқот натижсида олинган таҳлилий маълумотлар асосида “Компьютер тизимлари ва тармоқларига хизмат кўрсатиш” (2013 й.) ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятлари ривожланишини ўрганиш жараёнларини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

масалавий ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг асосий босқичлари яратилган “Математика ўқитиш методикаси” ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган;

масалавий ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хорижий ҳамда республика илмий журналлар, халқаро ва республика илмий конференция материаллари тўпламларида чоп этилган мақолалар, илмий-методик таклифларнинг амалиётга татбиқ этилгани; муаммоли таълим технологияларига оид ўқув материалларининг нашр этилгани ва таълим жараёнига жорий қилингани, тадқиқот вазифаларига мос келувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; олинган натижаларнинг математик статистика методлари ёрдамида қайта ишлангани, амалиётга татбиқ қилинганлиги ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таълим жараёнида ёндашувлар моҳияти ва унинг турлари, муаммоли ёндашув орқали бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш мазмуни, ривожлантириш модели, даражалари ва мезонлари ўрганилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасалари учун дарслик, ўқув қўлланма, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш технологиясидан фойдаланиш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Муаммоли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлари асосида:

бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш мазмуни коммуникатив ностандарт топшириқларнинг дидактик функцияларини ўзаро диалектик қонуниятларига интеграциясини аниқлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклиф ва хулосалар асосида “Математика ўқитиш методикаси” ўқув қўланмаси ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 6 октябрдаги 522-сон буйруғи билан берилган 522-034-рақамли гувоҳномаси). Натижада, муаммоли ёндашув асосида ностандарт топшириқларнинг дидактик таъминотини ривожлантириш имконияти яратилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш модели фанлараро, тузилмавий-функционал, эмоционал-интегратив касбий тайёргарлик даражалари, самарали фикрлаш, тасаввур, когнитив мотивация, интеллектуал ҳис-туйғулар узвийлигини диагностик аниқлаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар асосида “Математика ўқитиш методикаси” ўқув қўланмаси ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 6 октябрдаги 522-сон буйруғи билан берилган 522-034 рақамли гувоҳномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик даражаларининг узвийлиги аниқлаш имкони оширилган; бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш технологияси коммуникатив-жараёнли, натижавий-мантиқийли ва педагогик мазмунга дидактик тавсиялар типологиясини рефлексив дифференциаллаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклиф ва хулосалар асосида “Математика ўқитиш методикаси” ўқув қўланмаси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 6 октябрдаги 522-сон буйруғи билан берилган 522-034 рақамли гувоҳномаси).

Натижада, ўқув муаммоли ёндашув асосида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш имконияти яратилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилияти педагогик фаолияти давомида даврий ва узлуксиз дидактик тайёргарлигини таълим мазмунининг шакли ҳамда узлуксизлигига босқичма-босқич уйғунлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар асосида “Компютер тизимларига хизмат кўрсатиш” номли ўқув қўланмаси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 13 мартдаги 82-сон буйруғига асосан берилган 82-3 рақамли гувоҳномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 121 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқотнинг мавзуси ва унинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, эришилган натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Муаммоли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида “муаммоли ёндашув” тушунчасини аниқлаштиришга доир турлича ёндашувлар, бўлажак ўқитувчи ижодий қобилиятларининг индивидуал-психологик хусусиятлари, муаммоли ёндашув асосида ижодий қобилиятни ривожлантиришнинг ҳолати ёритилган.

Тадқиқотларда таъкидланишича, муаммоли ёндашув биринчи навбатда инсонда фикрлаш қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, у шу асосда инсонда ақлий ҳаракатларни ва амалларни зарур даражасининг шаклланганлигини таъминлайди. Зеро, ҳаётий фаолиятлар давомида, хусусан касбий фаолият давомида инсонлар турли хил масалалар (ижтимоий, касбий, ишлаб чиқариш, маиший ва бошқа масалалар)га дуч келади. Ушбу фаолият турларига тайёргарлик талабаларда амалий кўникмалар ва ижодий қобилиятлар шакллланганлигини талаб қилади.

Масалавий ёндашувнинг моҳияти ўқувчиларда таълим олишга ижобий мотивацияни ўқув масалаларини ечишга ўргатиш усуллари, методлари ва методикасига ўргатишни, уларнинг ижодий қобилиятларини пайқашга имкон яратади.


Муаммоли ёндашувга мурожаат қилишнинг долзарблиги юзасидан қуйидагиларни айтиш мумкин: биринчидан, фанларни ўқитишда ахборотларнинг кескин ошиб бориши, вақтнинг чегараланганлиги; иккинчидан, фундаментал фанларни ўрганиш ўқувчиларда илмий тафаккурни, илмий дунёқарашнинг шаклланишига, ўқувчилар томонидан келгусида соҳани эгаллаш бўйича зарур билимлар тизимини эгаллашларига хизмат қилади; учинчидан, муаммоли ёндашувга асосланган ҳолда масалаларни ечиш ҳар доим инсоннинг ақлий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, улардаги ижодий потенциални ривожлантиради.

О.Хамидовнинг таъкидлашича муаммоли ёндашув асосида таълимни ташкил этишда муаммоли масалалар алоҳида ўрин тутаяди.

Фалсафий нуқтаи назардан олиб қараганда, масала, бу – субъект ва объект ўртасида юзага келадиган қарама-қаршилик, бошқача қилиб айтганда, яъни ўзаро ёки ташқи таъсир натижасида субъект ва объект ўртасида фаоллик уйғотиш ёки муаммони баратараф этишга масала дейилади.

У.Содиқовнинг фикрича масалавий ёндашувнинг моҳияти ўқувчиларда таълим олишга ижобий мотивацияни ўқув масалаларини ечишга ўргатиш усуллари, методлари ва методикасига ўргатишни, уларнинг ижодий қобилиятларини пайқашга имкон яратади.

Р.Ибрагимовнинг тадқиқот ишида муаммоли масала, топшириқлар турлари ва улардан фойдаланиш технологиялари ўз ифодасини топган. Муаллиф бундай масала-топшириқларни қуйидаги турларга ажратган. (1-расм).



1-расм. Муаммоли масалалар турлари

Муаммоли ёндашувни бир томондан ўқувчиларнинг турли хил масалалар тизимини қўллаш ва уни ечиш фаолияти сифатида қараш лозим. Бунда, ҳар бир босқичда маълум (муаммоли) масалалар тизимини ажратиб олиш билан бирга

уларни муваффақиятли еча олишни кўникмалари ривожлантирилади. Масалалар ечиш ўқув-билув фаолиятининг муҳим кўриниши бўлиб, масалаларни ечиш давомида ўқувчилар ўқув предметининг хусусан назарий асосларини эгаллайдилар, амалий кўникмаларга эга бўладилар, ижодий ва мустақил фикрлаш усулларини эгаллаб борадилар.

Р.Черкесов фикрлаш қобилиятини ўстирадиган масалалар мавжудлигини ва уларни таълим жараёнига тадбиқ этишда қуйидаги турларини босқичма-босқич тадбиқ этиш лозимлигини таъкидлайди.(2-расм).



2-расм. Фикрлаш қобилиятини ўстирадиган масалалар таркиби

Муаммоли масалаларнинг хусусияти таълим олувчилар томонидан уларнинг ечимини топиш ҳар доимгидек маълум алгоритмдан иборат бўлмаслиги тушунилиши лозим.

Бу изланиш таълим олувчилардан бир хил (стандарт) масалалар устида ишлашдан кўра кўпроқ масалалар ечишнинг умумий малакаларини шакллантиришга йўналтирилган фаол ҳаракатни амалга оширишларини талаб қилади.

Ижод натижасида моддий ва маънавий бойликлар яратилади. Ижод оригиналлиги, бетакрорлиги ва янгилиги билан ажралиб турадиган маҳсулотлар яратиш учун шахсда қобилият, мотивация, билим ва малака бўлишини тақозо этади. Таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятларини ўстириш, ижодий фаолиятини тўғри ривожлантиришга, таълим олувчиларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга таъсир этадиган усуллар борасида ҳам турлича нуқтаи назарлар мавжуд. Масалан, педагогик фаолиятда ижодий масалаларни ечишга эвристик ёндашишни тадбиқ этиш ва таълим олувчиларнинг қабул қилиш имкониятига қараб эвристикага ўқитишга аҳамият қаратилади. Ижодий масалаларни ечишнинг алгоритмик усули интуицияга кам таянганлиги учун ҳам педагогик амалиётда кенг қўлланилмайди. Олиб борилган тадқиқотларга таянган ҳолда, таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятларни самарали ривожлантириш учун эвристик усул алгоритмик усул билан қўшиб олиб борилиши керак.

Ижодий масалаларни ечиш жараёни маълум маънодаги қуйидаги ижодий белгиларнинг пайдо бўлиши билан изоҳланади: мустақил равишда билим ва малакаларни янги вазиятга олиб ўта билиш; таниш вазиятда янги муаммоларни кўра билиш; фаолиятнинг таниш усулларини янги вазиятда мустақил равишда

комбинациялаш; маълум муаммонинг ечиш мумкин бўлган имкониятларини кўра билиш; аввалдан маълум ечим йўлларида фарқли мутлақо янги ечим йўллари топиш.

Ижодий қобилиятнинг ривожланиши масалани ечишнинг барча босқичларида бўлиб ўтиши мумкин. Шундай бўлса-да, бу жараён муваффақиятли бўлиши учун уларнинг ҳар бирида тегишли малакани ривожлантира билиш керак. Масалан, биринчи босқичда таълим олувчи (талаба) томонидан масалада мавжуд бўлган муаммони ажратиш керак бўлади. Таълим олувчилар (талабалар)га масалада нима берилган ва нимани излаб топиш кераклиги ақс этган масаланинг ечиш режасини тузиш, ҳаракатлар кетма-кетлигини қуриш ва бошқа ечим йўллари йўқлигини кафолатлайдиган текшириш ривожларини ўйлаб топишга ўргатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундан кейин гипотезани илгари суриш босқичи юзага келади. Чунки ижодий қобилиятни ривожлантиришда гипотезани илгари суриш муҳим аҳамиятга эга малака саналади.

Диссертацияда ҳар қандай янги масала ечимини топиш, аввалдан ечилган масалалар ечимига таянган аналитик – синтетик фаолият натижаси таълим олувчиларнинг ижодий фаолиятини фаоллаштириш йўли – уларни ижодий масалаларни ечишга жалб этишдан иборат эканлиги; ўқитишнинг ташкил қилиш уйғунлиги ижодий фаолият жараёнида педагог ва таълим олувчиларнинг биргаликдаги фаолиятини, жамоа тарзидаги ва индивидуал ишлаш мутаносиблигини, таълим олувчиларнинг ижодий фаоллиги даражасини ва педагог томонидан раҳбарлик қилиш усуллари регламентлаштириб бориши аниқланган.

Диссертациянинг **“Муаммоли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизими”** деб номланган иккинчи бобида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда ностандарт масалаларнинг дидактик функцияларидан фойдаланиш, муаммоли ёндашув орқали бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш моделини такомиллаштириш, бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда ностандарт масалаларни ечишнинг асосий босқичлари ёритилган.

Муаммоли ёндашувда фойдаланиладиган “ностандарт масалалар”нинг у ёки бу даражада ижодий қобилиятни ривожлантиришда аҳамиятини аниқлаштириш муҳимдир. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, тақдим этиладиган масалаларни стандарт ёки ностандарт масала сифатида қабул қилиш таълим олувчига, унинг билим доирасига, тажрибасига, интеллектуал даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Таълим олувчилар учун объектив ва субъектив жиҳатдан масалаларнинг айрим турлари стандарт ёки ностандарт саналади.

Ностандарт масалаларга турли таърифлар келтирилади. Масалан, “ностандарт масала – шундай масалаки, у маълум ҳаракатлар тизимининг таълим олувчига номаълум томонларини ўзида мужассам этади”. Ностандарт масалаларнинг хусусияти уларнинг ечимини топиш ҳар доимгидек маълум алгоритмдан иборат бўлмаслигида тушунилади. Бу изланиш таълим олувчилардан бир хил масалалар устида ишлашдан кўра кўпроқ масалалар ечишнинг умумий малакаларини шакллантиришга йўналтирилган фаол

ҳаракатни амалга оширишларини талаб қилади. Муаммоли ёндашув асосида ностандарт масалаларни ечишнинг дидактик функциялари:

Ўргатувчи функциялар – ўзига хос хусусиятларига эга. Бўлажак ўқитувчилар фанини ўқитиш жараёнида таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда қуйидаги вазифалар мавжуд; қонунлар, тамойиллар, улар ўртасидаги ҳар хил боғлиқликлардан иборат тушунчалар тизими; ўқув материални чизмалар ёрдамида моделлаштириш кўникмаси ва малакасини шакллантириш; фазовий тасаввурни, математик интуицияни, математик белгилар ва воситалардан тўғри фойдаланишни билиш.

Ривожлантирувчи функциялар – ностандарт ёндашувнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятини ўстиришга, шунингдек, уларда илмий фикрлашни ривожлантиришга, ақлий фикрлаш усулларини самарали эгаллашга йўналтирилган. Умумий характердаги ривожлантирувчи масалаларни хусусий характердаги ривожлантирувчи вазифалар билан аралаштириб юбормаслик керак. Умумий характердаги ривожлантирувчи вазифаларга таълим олувчиларнинг кўникмаларни шакллантиришга қаратилган қуйидагиларга амал қилиш лозим:

Ўрганиш методи сифатида илмий билишнинг маълум усулларини қўллаш (таққослаш, анализ, синтез, абстрактлаштириш, аниқлаштириш, умумлаштириш, ихтисослаштириш); индуктив ва дедуктив хулосалар ишлаб чиқиш; хаёлан тажриба ўтказиш; муҳим маълумотларни ажратиб олиш; қўйилган мақсадга эришиш учун восита ва методларни танлаш; мантиқий саводхонликни намоён этиш вазифалар киради.

Тарбияловчи функциялар – таълим олувчиларнинг билишга оид қизиқишларини шакллантириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш гўзал ахлоқий сифатларини ўстиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ностандарт масалаларнинг хусусияти – уларнинг ечимини топиш ҳар доимгидек маълум алгоритмдан иборат бўлмаслигида кўринади. Бу изланиш таълим олувчилардан бир хил масалалар устида ишлашдан кўра кўпроқ масалалар ечишнинг умумий малакаларини шакллантиришга йўналтирилган фаол ҳаракатни амалга оширишларини талаб қилади. Ностандарт масалаларни ечиш таълим олувчиларга таққослаш, кузатишга доир тажрибаларни тўплашга, мураккаб бўлмаган математик қонуниятларни аниқлашга, исбот талаб этадиган фаразларни ўртага ташлашга имкон беради. Шу муносабат билан таълим олувчиларда дедуктив мулоҳаза юритишга эҳтиёж туғилиши учун шароит яратади.

Назорат функциялари. Бу билим даражасини назорат қилишга, математик тафаккур ва билишга қизиқишини шакллантиришга йўналтирилган вазифадир. Назорат вазифалар таълим олувчиларга ўз ҳаракатларини назорат қилиш кўникмасини ривожлантириш, ечимнинг боришини олдиндан тахмин қилиш, ўз ишини танқидий баҳолашда ҳар жиҳатдан кўмак беради.

Демак, ўқитишда масалалар барча дидактик вазифаларни бажара боради. Бундан ташқари, ҳар хил муаммоли масалаларнинг қўлланиши масалалар ечимига маъсулият билан ёндашиш, ақлий фаолиятнинг ўсиб бориши, турли йўналишлардаги ҳар хил ғояларни излаш ҳамда кейинги ҳолат ва ҳаракатларни олдиндан кўра билиш, шошилиш хулосалар чиқаришдан сақланиш, маълумотлардан тўғри фойдаланишни мўлжаллашга кўмак беради.

Ўқитиш жараёнида таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун муаммоли ёндашувнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур бўлиб, бунда асосий эътибор муаммоли ёндашувдан фойдаланиш моделининг таълим олувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантиришдаги ўрнига қаратилган. Бундай ёндашув ўқитишда педагогик-психологик, табиий-илмий мазмундаги масалаларни моделлаштириш орқали ечишга асосий эътиборни қаратишни тақазо этади. Айнан, муаммоли вазиятларни моделлаштириш ўқитишнинг негизини ташкил этиши ва таълим олувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилиши зарур.

Таълим жараёни бошқа ихтиёрий фаолиятлар каби мақсад қўйишдан бошланади. Олий таълим муассаларида муаммоли ёндашувдан фойдаланиш моделини қуришнинг универсал кўникмаларини шакллантиришнинг қуйидаги мақсадларини ажратиб кўрсатиш мумкин: таълим олувчиларнинг муаммоли ёндашувлари учун зарур бўладиган билимлар, кўникма ва малакалар тизимини эгалланишига эришиш; таълим олувчи интеллектини ривожлантириш, яъни таълим олувчининг келгуси амалий, касбий фаолиятида зарур бўладиган шахсий сифатларни шакллантириш ва ривожлантириш; муаммоли ёндашувнинг табиат ва жамиятдаги жараёнларни моделлаштириш бўйича вазифаларини аниқловчи билим ва кўникмаларнинг шаклланганлиги.

Муаммоли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг қуйидаги жиҳатларига қаратилди ва қуйидаги моделда акс эттирилди (3-расмга қаранг).


Диссертацияда таълим олувчиларни муаммоли ёндашувдан фойдаланиш моделини тузишнинг методик жиҳатлари, педагогик-психологик, табиий-илмий мазмундаги масалаларни ечишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг имкониятлари билан уйғунлиги аниқланди.

Психологик таҳлилларга таянган ҳолда қуйидагича хулосага келиш мумкин, таълимга муаммоли ёндашув асосида ўқув фаолиятини педагогик бошқариш ақлий фаолият, эвристик усуллар билан боғлиқ ҳолда ривожлантирилиши, таълим олувчилар томонидан мустақил тарзда масалалар тузиш ва уларни бир неча усуллар ёрдамида ечишга ўргатишга алоҳида эътибор берилиши керак.

Моделда бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг янгиликни ҳис қилиш, танқидийлик, ижодийликка йўналганлик, объект тизимини ўзгартириш қобилияти мезонлари асосида ишлаб чиқилди.

Мустақил равишда билимлар ва фаолият усулларининг янги вазиятга кўчирилиши, бу – ижодий фаолият белгисидир. Чунки таълим олувчиларни ўзлаштирилган усулларни қўллашга ўргатиш уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилади. Илмий тадқиқот ишлари таҳлили ва кузатувлар жараёнида бўлажак ўқитувчиларни муаммоли ёндашув асосида ижодий қобилиятларни ривожлантиришга методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг модели функционал мавжуд бўлган учта тузилмани ўз ичига олиши аниқланди.

Ижодий қобилиятнинг таниш вазиятда янги муаммоларни кўриш билан боғлиқ бундай белгиси вазиятнинг мавжудлигига, умуман, вазиятнинг ўзига оид саволлар қўя билиш, таниш объектнинг янги қирраларини кўра билиш кўникмасини ўз ичига олади.



3-расм. Муаммоли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш модели

Таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилган муаммоли масалаларни ечиш учун яратиладиган шароитларни таҳлил қилишда, ижодий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш зарур. Бу

хусусиятларнинг биринчиси ижодий қобилият таълим олувчи шахси, мотивлари, шахсий мақсади билан боғлиқликда намоён бўлади. Бу ҳолатда, агар, топшириқ ижодий қобилиятни ривожлантиришга доир бўлиб, таълим олувчини ижодий изланишга ундаса, натижага эришилади. Бу эса қобилиятли таълим олувчига ечимни излаб топиш, натижани бошқа вазиятга олиб ўтиб, ўзи учун янгилик излашга имкон беради, ўртача ўзлаштирувчи таълим олувчиларнинг ижодкорлигини оширади, улар масалаларни босқичма-босқич ечишга киришади ҳамда таълим олувчи ҳар сафар ўзи учун қандайдир янгилик ярата олади. Шу тариқа, ҳар бир таълим олувчи ўз қобилиятлари даражасида ижодий қобилиятини ривожлантиради.

Иккинчи характерли хусусияти—бу муаммо ёки вазиятнинг мавжуд бўлишидир. Ижодкорлик тушунчаси ҳар бир таълим олувчи учун субъективдир. Бир таълим олувчига оддий, стандарт бўлиб туюладиган масала ва янги ёндашувни талаб этмайдиган ҳолатлар, бошқа бир таълим олувчи учун қандайдир изланишлар натижаси ҳисобланиши мумкин. Ижодий қобилиятнинг учинчи хусусияти – таълим олувчи томонидан масала ечиш кўникмасининг ҳосил бўлиши, яъни нотаниш бўлган вазиятда мустақил изланиш, масаланинг ечимини излаш ва топиш, мустақил умумлаштиришидир.

Ижодий қобилиятнинг таниш вазиятда янги муаммоларни кўриш билан боғлиқ бундай белгиси вазиятнинг мавжудлигига, умуман, вазиятнинг ўзига оид саволлар кўя билиш, таниш объектнинг янги қирраларини кўра билиш кўникмасини ўз ичига олади. Қобилиятнинг бу белгисини юзага чиқариш учун қуйидагича масалаларни таклиф этиш мумкин: турли вазиятлардаги хилма-хилликни аниқлаш зарурлиги акс этган масалалар; ўқитувчига савол билан мурожаат қилиш имконини берадиган талаблар акс этган масалалар; маълум тушунчани турлича қўллашга оид масалалар.

Таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилган ностандарт масалаларни ечиш учун яратиладиган шароитларни таҳлил қилишда, ижодий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш зарур. Бу хусусиятларнинг биринчиси ижодий қобилият таълим олувчи шахси, мотивлари, шахсий мақсади билан боғлиқликда намоён бўлади. Бу ҳолатда, агар, топшириқ ижодий қобилиятни ривожлантиришга доир бўлиб, таълим олувчини ижодий изланишга ундаса, натижага эришилади. Бу эса қобилиятли таълим олувчига ечимни излаб топиш, натижани бошқа вазиятга олиб ўтиб, ўзи учун янгилик излашга имкон беради, ўртача ўзлаштирувчи таълим олувчиларнинг ижодкорлигини оширади, улар ностандарт масалаларни босқичма-босқич ечишга киришади ҳамда таълим олувчи ҳар сафар ўзи учун қандайдир янгилик ярата олади. Шу тариқа, ҳар бир таълим олувчи ўз қобилиятлари даражасида ижодий қобилиятини ривожлантиради.

Таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантирувчи ностандарт масалаларни ечишнинг асосий босқичлари ҳақида тўхталамиз. Ностандарт масалаларни ечишнинг биринчи босқичи—англаш, тафаккур қилиш муаммо кўйиш босқичи ҳисобланади. Муаммони тўғри ифода этиш ижодий фаолиятининг бошланғич босқичи ҳисобланади. Ностандарт масалаларни ечишнинг иккинчи босқичи—муаммони ижодий ёндашган ҳолда ечиш босқичи.

Бу жараёнда ностандарт масалаларни ечиш “калити” топилади, таълим олувчиларнинг билим даражаси намоён бўлади, чунки таълим олувчиларнинг ижодий қобилияти уларнинг билими билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Ностандарт масалаларни ечишнинг учинчи босқичи-муаммонинг ечимини таҳлил қилиш босқичи ҳисобланади ва масалага ечим орқали аниқлик киритади.

Диссертацияда таълим олувчиларнинг ижодий қобилияти ижодий масалаларни ечишда янги усулларни излаб топишда ва мустақил бажара олишлари шунингдек, машқлар тизимидаги, номаълумларни излаб топиш, қизиқувчанлик, нооддийлик, топшириқнинг ностандартлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади, демак, дарсларда таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятининг ривожланиши ижодий масалаларни ечиш пайтида намоён бўлиши ҳам аниқланди.

Диссертациянинг “**Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш**” деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари, педагогик тажриба-синов ишлари натижаларининг математик-статистик таҳлили берилган.

Тадқиқот объектлари сифатида ТДПУ, ЖизДПУ, ТерДУлар танланиб, улардаги тажриба-синов ишларида иштирок этувчи респодент талабалар 2 гуруҳга ажратилди ва улардан бири тажриба, иккинчиси назорат гуруҳлари деб олинди. Танлаб олинган гуруҳларнинг педагогик тажриба-синов ишлари жараёни 3 та тасдиқловчи (2016-2017 ўқув йилларида), ривожлантирувчи (2017-2018 ўқув йилида) ва умумлаштирувчи (2018-2019 ўқув йили) босқичларда ташкил этилди (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал.

Танлаб олинган объектлар ва улардаги иштирок этган респодентлар сони

№	ОТМ	Респодент талабалар сони		
		Жами	Тажриба гуруҳлари	Назорат гуруҳлари
1.	ТДПУ	221	109	112
2.	ЖизДПИ	212	107	105
3.	ТерДУ	125	62	63
4.	Жами	558	278	280

2-жадвал.

**Талабаларнинг ижодий фаоллик даражасини аниқловчи
якуний натижалари**

№	Мезон	Гуруҳлар	Сони	Баҳолар		
				юқори	ўртача	паст
1.	Янгиликни ҳис қилиш	Тажриба	278	25	165	88
		Назорат	280	8	130	142
2.	Танқидийлик	Тажриба	278	20	151	107
		Назорат	280	6	115	159
3.	Ижодийликка йўналганлик	Тажриба	278	15	143	120
		Назорат	280	5	105	170
4.	Объект тизимини ўзгартириш қобилияти	Тажриба	278	10	131	137
		Назорат	280	4	93	183
	Ўртачаси	Тажриба	278	18	148	113
		Назорат	280	6	111	164

Шундай қилиб, биз олиб борган тадқиқотнинг асосий, яъни доимий ва мақсадли тарзда ностандарт вазифалардан фойдаланиш талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиради, деган гипотеза ўтказилган тажриба ва тадқиқотлар асосида тасдиқланди (2-жадвалга қаранг).

Тажрибанинг якуний босқичида талабаларнинг ностандарт вазифаларни ечиш уқуви қай даражада ривожланганлигини аниқлаш мақсадида тажриба ва назорат гуруҳларига масалалар бажариш топширилди. Ҳар бир талаба томонидан бажарилган иш тўғри жавоблар сонига қараб синов натижалари 3-жадвалда келтирилган (3-жадвалга қаранг).

Ушбу натижалар шуни кўрсатадики, тажриба гуруҳларидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари юқори бўлиб, стьюдент статистикасининг қиймати критик қийматдан катталигини ҳисобга олган ҳолда H_1 гипотезанинг қабул қилинишига олиб келади. Тажриба гуруҳларидаги самарадорлик 18% га юқори эканлиги исботланди. Ушбу хулосалар ва жадвал маълумотларига кўра, олиб борилган тадқиқот ишларининг натижаларини қиёсий текшириш мақсадида қуйидаги диаграммалар келтирилди (4-расм).


Тажриба гуруҳи талабаларида ностандарт топшириқларни бажариш ва билим сифати, ижодий фаоллиги, ташхис назорат ишлари натижалари сезиларли даражада ортганлиги қайд этилган.

3-жадвал.

Якуний назорат иши бўйича олинган натижалар

№	ОТМ	Гуруҳлар	Сони	Топшириқни тўғри ва тўлиқ бажарганлар									
				1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.	ТДПУ	ТГ	109	109	109	108	109	105	100	68	63	16	4
		НГ	112	112	112	110	98	93	88	28	23	4	4
2.	ЖДПИ	ТГ	107	107	106	107	96	95	92	78	68	18	2
		НГ	105	105	105	103	91	90	85	33	30	5	2
3.	ТерДУ	ТГ	62	62	62	62	59	58	58	46	41	9	5
		НГ	63	61	62	63	58	52	54	20	15	2	1
4.	Жами	ТГ	278	278	277	277	264	258	250	19 2	17 2	43	11
		НГ	280	278	279	276	247	235	227	81	68	11	7

Демак, диаграмма ва жадвал маълумотларига таяниб шундай хулосага келиш мумкин. Тажриба гуруҳларида олиб борилган тадқиқот ишлари назорат гуруҳларида олиб борилган тадқиқот ишларига нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлиб, уларнинг самарадорлиги 1.18 баробарга, яъни 18 фоизга юқори эканлиги исботланди.



4-расм. Якуний назорат иши бўйича олинган натижаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари (ОТМ кесимида)

ХУЛОСА

1. Бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш мазмуни муаммоли ёндашув орқали ностандарт топшириқларнинг дидактик функцияларини аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган.

2. Фан, фанлараро, тузилмавий, функционал, эмоционал, интегратив касбий тайёргарлик даражаларининг узвийлигини таъминлаш асосида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш модели такомиллаштирилган.

3. Бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг коммуникатив, жараёнли, натижавий мезонлари мнемик, маълумотлардан хабардорлик талабларини ўқув масалалар таксономиясига оптималлаштириш асосида ишлаб чиқилган.

4. Муаммоли ёндашувнинг адаптив ва репродуктив босқичлари асосида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш технологияси такомиллаштирилган.

5. Ностандарт топшириқларни бажариш жараёнида ўргатувчи, тарбияловчи, ривожлантирувчи, назорат қилувчи каби дидактик вазифаларни амалга ошириш ижодий тафаккурга етакловчи асосий фикрлаш уқувини ривожлантиришга имкон берилган.

6. Таълим олувчиларни ностандарт масалаларни ечишга қизиқтириш – турли усулларни қўллаш ва турли вазиятларда ҳаракатланишга ўргатишни тақозо этади. Ностандарт масалаларни ечиш муаммоси ўқитиш жараёнида ўргатувчи, тарбияловчи, ривожлантирувчи, назорат қилувчи каби дидактик вазифаларни бажаради. Ўқитишда ностандарт масалалардан фойдаланиш ижодий тафаккурга етакловчи асосий фикрлаш малакасини ривожлантиришга маълум маънода ёрдам берилган.

7. Ностандарт масалаларни ўқитишда самарали воситалар ҳисобланадиган асосий психологик-педагогик талаблар ва қоидалар объектив ҳолда қўлланилади. Таълим олувчиларни ақлий фаолиятнинг эвристик усулларига ўргатиш зарурати, ностандарт масалаларни дарс пайтида бутун синф билан бирга

ечиш имкони борлиги, масалаларни ечишнинг бир неча усулларни кўриб чиқиш ва таълим олувчилар томонидан мустақил равишда масалалар тузиш имкони борлигини кўрсатилган.

8. Ижодий қобилиятни ривожлантириш талабаларни ижодий фаолиятга мақсадли ўқитиш маҳсули бўлиб, ижодий қобилият муаммоси атамаларнинг кўплиги, асосий тушунчаларнинг турлича изоҳланиши, талабаларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишда аниқ стратегиянинг мавжуд эмаслигини кўрсатилган.

9. Талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришда масалаларни ечиш жараёнида шахсий билим орттириши, ечим усулларини топиши, билимларини янги шароитларда қўллай билиши, алгоритмик ва эвристик усуллар ёрдамида субъектив ва объектив янгилик яратишни талаб этиши аниқланган.

10. Муаммоли ёндашув орқали бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича ушбу тадқиқот иши юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни таълим жараёнига татбиқ этиш самарадорлиги 18 % ни ташкил этиши аниқланган.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни тавсия қиламиз:

1. Бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга оид билим ва малакаларни шакллантиришнинг педагогик-психологик имкониятларини ривожлантириш;

2. Бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини босқичма-босқич мустақил инновацион-ижодий ишларга ва муаммоли вазиятли топшириқларнинг ечимини топишга йўналтириш;

3. Бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда инновацион технологиялардан мақсадли фойдаланиш компетенциясини такомиллаштиришга эришиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ДЖУРАЕВА ДИЛНОЗА ШАКИРЖОНОВНА

**РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ У БУДУЩИХ
УЧИТЕЛЕЙ ПОСРЕДСТВОМ ПРОБЛЕМНОГО ПОДХОДА**

13.00.01 - Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована за №В2020.1.Ped1349 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен по адресам: в веб-странице Научного совета – www.tdpu.uz, а также информационно-образовательном портале “ZiyoNet” – www.ziyo.net.

Научный руководитель:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ҳақимова Муҳаббат Файзиевна
доктор педагогических наук, профессор

Содиқов Хамид Махмудович
доктор философии по педагогических наукам (PhD), доцент

Ведущая организация:

Гулистанский государственный университет

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета за номером DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете «24» 03 2022 года в 10⁰⁰ часов. Адрес: 100011, г.Ташкент, Чиланзарский район ул. Бунедкор, 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирован под № 4532). Адрес: 100011, г.Ташкент, Чиланзарский район ул. Бунедкор, 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Автореферат диссертации разослан «14» 03 2022 года.
(Протокол реестра за номером 72 “14” 03 2022 года)



М.Э.Хайдаров
председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.п.н., профессор

Р.Г.Исянов
заместитель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
к.п.н., доцент

Н.А.Муслимов
заместитель научного семинара
при Научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.п.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом образовательном процессе применяются передовые педагогические технологии развития творческих способностей обучающихся. Ведутся работы по внедрению научных и образовательных достижений в содержание учебных материалов. Также ведутся работы по применению на практике тенденций по повышению качества обучения предметов. А также работы по обучению решений задач в решении проблемных ситуаций практико-исследовательского и естественнонаучного содержания на основе концепции «Внедрения механизмов, позволяющих совершенствовать процесс и инструменты оценки качества образовательного процесса, определения достигнутых результатов» декларации «Incheon declaration» принятой до 2030 года на Международном образовательном форуме в Южной Корее.

В мировом масштабе ведутся исследовательские работы по обучению обучающихся решению нестандартных задач по дисциплине, предоставлению точной информации о таких задачах школьникам, по развитию творческих способностей обучающихся.

В нашей республике в последние годы определены задачи, как «углубленного изучения наук». Это расширяет возможность обеспечения образовательного процесса необходимой информацией, отыскания и внедрения приемлемых решений их усвоения. Определены такие задачи, как «Повышение уровня охвата высшим образованием, подготовка высококвалифицированных, творческих и системно мыслящих, самостоятельно принимающих решения кадров на основе международных стандартов, демонстрация их интеллектуальных способностей и создание необходимых условий для проявления ими своих способностей для формирования в качестве духовно развитой личности».

Данная исследовательская работа в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5847 от 8 октября 2019 года «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», постановлениями президента Республики Узбекистан №ПП-2909 от 20 апреля 2017 года, «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», № ПП-3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» и других законодательных актах по данному предмету.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данная исследовательская работа выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и

образовательном развитии информатизированного общества и демократического государства и их реализация».

Степень изученности проблемы. Вопросы развития творческих способностей будущих учителей исследовались Б.Р.Адизовым, Б.Абдуллаевой, А.С.Акрамовой, Г.Боймуродовой, М.Э.Джумаевым, Ш.Юлдошевой, Р.А.Мавляновой, Ш.Р.Рейхановым, М.И.Ташпулатовой, С.Усмановым, А.Эшмуратовым, К.Касымовой, Х.Гулямовой, А.Г.Хаитовым, А.Хамрокуловым и другими. Проблемы проблемного подхода в образовании были рассмотрены в трудах ученых-педагогов О.Бердиева, К.С.Джуманиязова, Д.М.Максмудовой, А.А.Норматова, Ш.А.Сойпназарова, Т.Т.Толаганова, Н.Р.Гайбуллаева, Н.О.Эшпулатова и др.

Возможности управления периодами размышлений и деятельности в период размышлений при решении вопросов были подробно рассмотрены в исследованиях З.И.Калмыковой, Ю.Н.Кулюткина, Н.А.Менчинской, А.Ф.Эсауловых. Был проведен ряд методических исследований по предоставлению в обобщенном виде применяемых методов в поиске решения проблемы Г.Д.Балком, М.Б.Балком, Ю.М.Колягиным, В.И.Крупичем, Д.Пойей, обучению обучащихся решению нестандартных задач И.П.Буслановой, С.А.Зайцевой, Т.Н.Мираковой, Т.В.Пивоваруком, И.Б.Румянцевой, С.И.Сельдюковой, Л.В.Селькиной, И.И.Целишевым.

В европейских странах различные аспекты развития творческих способностей будущих учителей изучались Christopher Brumfit, Claudio Zaki Dip, Susanne Prediger, Н. Colleen Marchant и другими.

